

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЙА ДАРСЛАРИДА ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИ ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ

Д. К. Хидиров

Тошкент архитектура-қурилиш университёти ўқитувчиси

Ҳаракатли ўйинларни танлаб олишда талабаларнинг жисмоний машқларни танлаш коидаси асосларини ҳисобга олиши керак. Талабаларни жисмоний сифатларини тайёрлашда шуни унутмаслик зарурки, уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, ҳаракат малакаларини ошириб, мөърида ривожлантириб, таассуротларини кенгайтириб, ҳаяжонланиш туйғуларини тарбиялаш, сезирлик қобилиятларини ривожлантириш, болаларнинг тайёргарлиги даражасини ҳисобга олиш зарур. Масалан, бирданига сакраш ҳаракатларини ўтказиш еҳтиёткорликни талаб етади, чунки аввало, уларни сакраш ҳаракатларига жисмоний тарбия машғулотларида ўргатиш лозим. Албатта, талабаларнинг ҳаракат қўнимаси ва малакасини ривожлантиришда гап ҳаракат техникасини чукурроқ ўргатишда емас. Борди-ю, талабалар узунликка югуриб келиб сакрашга ўргатиладиган бўлса, уларни сакраш олдидан бирданига тўхтаб қолмасликка ёки югуришни секинлаштирмасликка, агар сакраш керак бўлса, унда сакрашдан олдин бир оёқда депсиниб, иккала оёққа юмшоқ тушишни ўргатиш лозим.

Фақат шулардан сўнг сакраш ўйинларига ўтилса бўлади, чунки шу каби ўйинлар туфайли талабаларда сакраш учун зарур бўлган қўнимма ва малакаларни ҳосил қилиш имкони туғилади, булардан ташқари, шу каби ҳаракатли ўйинлар жисмоний сифатлардан: сакраш малакасини, чаққонлик ҳамда жасурликни ҳам ривожлантиради. Ҳаракатли ўйинларни танлаб олишда, енг аввало, ўқитувчи китоб, қўлланмаларда берилган кўрсатма ҳамда ўйинларнинг жисмонан ва ахлоқий психологик таъсирили томонларини кўриши керак. Яна шуни унутмаслик керакки, ўйин вазифаси қўйилганда фақат ҳаракатларга мос бўлиши шарт емас, балки ҳаракатли ўйинлар ёрдамида талабаларнинг рухиятини, бир-бирларига ёрдамлашиш, қўллаб-қувватлаш фазилатларини тарбиялашимиз лозим. Бунинг учун мос келадиган ҳаракатли ўйинларни талабаларнинг мазмундор ўйинларга еътиборсизлигини ҳисобга олиб, ҳаракатли ўйинларни танлаш зарур, талабаларнинг кўпроқ ўйинлардаги қайфият асосий рўл ўйнайди.

Ўйинларда ҳаракатлар мураккаблашиб боради. Масалан, бир томонлама югуришлар камайиб, кўпроқ ҳаракатлар ўзгарувчан тўсиқлар туфайли оз бўлса ҳам мураккаблашган бўлади.

Ўйинни ташкил этишда барча шарт-шароитлар тўғри ҳисобга олинса, унинг тарбиявий аҳамияти ошиб боради. Бунинг учун ўйин пайтида бўладиган чизиклар, чегаралар масофалари, керакли ўйин қуроллари: копток, байроқчаларни тақсимлаб бериш лозим,

кейинчалик еса талабаларнинг ўзларига ўргатиб, ўз-ўзига хизмат қилишни одатлантириш керак.

Нима учун узоқ ўтмишдан бери халқ ҳаракатли ўйинларнга бундай бекиёс аҳамият бериб кел инган? Уларни ички ва ташки моҳияти нимадан иборат? Нима учун бугунги кунда ҳам таълим-тарбия муассасаларида, спорт мактабларида ва соғломлаштириш масканларида халқ ҳаракатли ўйинлари фан сифатида ўқув-машғулот режадастурларидан жой олган? дэган ўринли саволлар туғилади. Гап шундаки, 1891 йилда илк бор баскетболни ихтиро қилган коллеж ўқитувчиси америкалик Джеймс Нейсмит, 1895 йилда биринчи бўлиб волейболни яратган ва коллеж талабалари ўқув фаолиятнга жорий етган Уилям Морган (АҚШ)лар ҳамда мазкур йўналишда илмий изланишларни олиб бораётган кўплаб мутахассис-олимлар тадқиқотларнга қараганда жисмоний тарбия машғулотларида доимо гимнастика, югуриш каби стандарт машқлар билан шуғулланиш асаб-нерв органларнга салбий таъсир кўрсатар екан, бир хиллик хусусиятнга эга бундай стандарт (стереотип) машқлар мушак тўқима ва толаларида тезроқ толиқишиш аломатларини юзага кел тирад екан.¹

Кузатувлар ва тадқиқотлар асосида исботланганки, жисмоний тарбия дарсларида ёки бўш вақтларда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш инсон организмининг функсионал органлар фаолиятини бошқарувчи марказий нерв тизимнга ҳар томонлама ижобий таъсир етар екан. Ҳаракатли ўйинлар давомида болаларни муайян ролларга, образларга (овчи, мерган, топқир, айиқ полвон, тулковой ва бошқа тақлидлар) кириб кетиши уларда излаш, ижодкорлик, топқирлик, зукколик ва бошқа шу каби хислатларга еришишга ундовчи мотиватсияни юзага кел тириб, нафақат ушбу тақлид, балки ҳаракатга бўлган ехтиёжни қондириш йўлларини топишга чорлар екан. Дарҳақиқат, халқ ҳаракатли ўйинларнинг турлари ва мазмуний шакллари хилма-хил бўлиб, улар хотира, диққат, идрок, онг, тафаккур, ирода каби қобилияtlар, талаффуз, нутқ, интонатсия каби ҳислар, ҳамжиҳатлик, ҳақгўйлик, ватанпарварлик, ўзаро ёрдам бериш, одоб-ахлоқ, мардлик, ботирлик, жасурлик каби фазилатларни шакллантиради, тарбиялайди. Шунинг учун ҳам умумбашарий ва миллий халқ ҳаракатли ўйинлари инсон саломатлнги, унинг дунёқараши, ёш авлодни жисмонан ва маънан баркамол шахс сифатида тарбиялашда устувор восита еканлнги исбот талаб қилмайди.

“Ўйин” ҳақида қанчалик таъриф, изоҳ берилмасин, “ўйин”нинг маънан моҳияти тўлақонли ўзининг инъикосини топган емас, чунки ўйинга бошқа фан соҳиблари ўз нуқтаи назарларини билдиришган. Ҳолбуки, “ўйин” жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари томонидан ўз таърифини топган.

¹ Т.С. Усманхужаев .Ҳаракатли ўйинларни ўқитиши методикаси.

Ўйин – тарихий, ижтимоий, фалсафий тушунчалардан иборат бўлиб, турли хил ҳаракатлардан иборат бўлган мураккаб ҳаракатли фаолиятдир. Ўйин инсонларга хос фаолиятнинг муайян шаклларидан биридир. “Ўйин” тушунчаси гўдакнинг шиқилдок билан бажариладнган оддий ҳаракатларидан тортиб, спорт турида (баскетбол, гимнастика, кураш ва шу кабилар) амалга ошириладнган жисмоний фаолиятларни ўз ичинга олади.

Ўйин шартли қўйилган мақсадга еришиш учун қаратилган фаолиятдир. Ўйинда қандайдир моддий бойликлар ишлаб чиқилмайди. Ўйиннинг мақсади ўзида. Чунки у шахснинг тарбияси ва шаклланишнга умумий таъсир кўрсатади. Шу боис, ўйин ҳар доим педагоглар, психологлар, файласуфлар, санъатшунослар, тиббиёт ходимлари ва бошқалар диққатини ўзнга тортиб келган.

Ўйин – тарихан таркиб топган ижтимоий ҳодисадир. Масалан, болалар ўйинлари, стол устидаги ўйинлар, жўр бўлиб айтиладнган ўйинлар, ҳаракатли ўйинлар, спорт ўйинлари ва ҳоказо. Ўйин ўзини англаш, кўнгил очиш, дам олиш воситаси, жисмоний ва умунижтимоий тарбия, спорт воситаси бўлиши мумкин.

Ўйин маданият унсури сифатида жамиятдаги барча маданиятлар билан биргаликда ривожланади, улар болалар ва ўсмирларни тарбиялашнинг фойдали воситасидир. У ҳамма вақт маълум мақсадга йўналтирган ва турли-туман кўрсатмалар ҳамда ранг-баранг мавзудаги фаолиятни ифодалайди. Ўйин фаолияти, ўйин – меҳнат билан болалик ёшидаёқ умумийликка эгадир.

Ўйин – жуда ҳиссиётли фаолият, шунинг учун у болалар ва ёшларнинг тарбиявий ишларида жиддийликни талаб етади. Катта доирадаги ҳалқ ўйинлари болалар ва ўсмирлар орасида кенг тарқалган. Ҳалқ ўйинларининг ўзнга хос хусусияти ҳаракатнинг ўйин мазмунида яққол ажralиб туришидадир (туришлар, сакраш-лар, улоқтиришлар, ташлашлар ва бошқалар). Бу ҳаракат фаолиятлари уларнинг сюжетларида мотивлашган (мавзу, ғоялар). Улар ўйин мақсаднга еришиш йўлида қўйилган турли хил қийинчиликлар, тўсиқларни бартараф етишга йўналтирилган.

“Ҳалқ” сўзи атамаси сифатида ўзининг қатый белгиланган маъно-моҳиятнга эга. Фикримизнинг исботи учун бир неча қиёсий мисоллар келтирамиз. Ўзбек ҳалқи ёки ўзбек ҳалқ ўйинлари дэганда, Ўзбекистонда ва бошқа мамла-катлар-у минтақаларда яшовчи барча ўзбекларни ёки ўзбек ҳалқ ўйинларини тушуниш керак. Ўзбекистон ҳалқи ёки Ўзбекистон ҳалқлари ўйинлари дэганда, фақат республикамизда яшовчи барча аҳолини ёки барча ҳалқлар ўйинларини тушунмоқ керак. Чунки улар орасида ўзбеклардан ташқари турли ҳалқлар, фуқаролиги йўқ ёки фуқароликдан маҳрум етилган кимсалар, мухожирлар, чет ел фуқаролари ва шу кабилар ҳам бўлиши табиидир. Хуллас, Ўзбекистон ҳалқи дэганда республикада яшовчи ялпи аҳоли ёки ўзбек ҳалқ ўйинлари дэганда фақат ўзбек ҳалқнга тегишли бўлган ўйинларни тушунмоқ жоиздир. Қадим вақтлардан бери ҳалқ ҳаётий мазмунининг сиёсий, иқтисодий, маданий, майший

томонларини ўзида мужассамлаштириб келган нарса – бу ўзбек халқ ўйинлари ва жисмоний машқлар еди. Илк замонларда уларнинг аксарияти мол боқиш, ёввойи ҳайвон, қуш ва балиқларни овлашга қаратилганди. Тарихимиз оҳанграболнгани ҳеч қачон йўқотмаган. Истиқлолга еришгунга қадар биз халқимизнинг жуда қўп шонли анъаналирини бой бердик, лекин анъанавий халқ ўйинлари ва миллий спорт турлари батамом йўқолиб кетмади. Уни халқ ўз фарзандини еъзозлагани каби авайлаб, ишонч қўзи ила сақлаб келди. Қанчалик тақиқлашлар, таъқиблар бўлмасин, улар катталардан кичикларга, авлоддан авлодга ўтиб келаверди. Уларни бир ёки бир неча киши яратган емас, уни халқ яратган, шунинг учун ҳам йиллар бўроннинг дош бериб, асрлар оша яшайверади.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Т.С. Усманхужаев . Ҳаракатли уйинларни ўқитиш методикаси.
- 2.Усмоноджаев Т.С., Бурнашев И.И., Мелиев Х.А. 500 ҳаракатли ўйинлар: